
BUVAYDA TUMAN HOKIMI IBRAGIMOV BEHZOD ODILJONOVICH VA TUMAN
HOKIMI BIRINCH O'RINBOSARI DEHQONOV MIRZOHID
MURODOVICH LARNING TUMAN AHOLISI VA TADBIRKORLARIGA
MUROJAATNOMASI

**БУВАЙДА ТУМАНИ ҲОКИМИ ИБРАГИМОВ БЕҲЗОДЖОН ОДИЛЖОНОВИЧНИНГ ТУМАНИМИЗ
АҲОЛИСИГА**

М У Р О Ж А А Т И

Азиз тадбиркорлар!

Жадал суръатлар билан ривожланиб бораётган мамлакатимизда ҳар куни бир янгилик ва ўзгаришларга гувоҳ бўласиз. Зотан, ривожланиш ва тараққиёт бўлган давлатда аҳолининг маънавияти, руҳиятида юксалиш сезилади, тинчлик ва осойишталик ҳукмрон бўлган ҳудудга эса, байрам ва тантаналар ярашади. Ислохотларнинг иссиқ нафаси Республикаимизнинг энг чекка, энг олис ғўшаларида ҳам сезилмоқда. Айниқса, тадбиркорликни ривожлантириш, мамлакатимизда тобора шаклланиб бораётган ўрта синф вакиллари ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, аҳоли, хусусан, ёшларни тадбиркорликка жалб этиш мақсадида Президентимиз томонидан берилаётган эътибор ва ғамхўрликлар бугун ўз натижасини бермоқда. Зотан, тадбиркорлик ривож топган юртда юксалиш ва фаровонлик бўлади. Тадбиркор қўллаб-қувватланса, рағбатлантирилса, иқтисодиётнинг ўсиш суръатлари ҳам сезиларли даражада ортади. Бу синалган азалий ва ҳаётий ҳақиқат. Мамлакатимизда тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантириш бугунги кунда давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан биридир. **Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг сўзлари билан айтганда, биз фақат фаол тадбиркорлик, тинимсиз меҳнат ва интилиш орқали тараққиётга, фаровон ҳаётга эриша оламиз.**

Тадбиркорликка жалб қилиш дегани, энг аввало, иш ўринларини яратиш деганидир ва агар инсон ўзининг иш ўрнига эга экан, унда ҳаётда ўз мавқеини топиши учун шароит яратилади, бундай инсонинг бўш вақти ҳам қолмайди ва у ҳар доим интилишда, ҳаракатда бўлиш билан бирга, яхши яшаш ва яхши ҳаёт кечириш учун ҳам изланади, ўрганади. Бир сўз билан айтганда, тадбиркор одамнинг дунёқараши ҳам, маънавияти ҳам юксалади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев бошчилигида “Жорий йилда давлат бюджетига тушумлар прогнози ижросини таъминлаш, тадбиркорлик ва кичик бизнесни жойларда янада ривожлантириш” масалаларига бағишлаб ўтказилган видеоселекторда илгари сурилган муҳим ташаббуслар соҳада фаолият юритаётган кишиларнинг кучига куч, ғайратига ғайрат қўшди, десак муболаға бўлмайди.

Ҳамма нарса тадбиркор учун деган эзгу ғоя асосида ўтган йиғилишда ҳам Муҳтарам Юрбошимиз айнан шу сўзларни бот-бот такрорлаб, “Бизнес юритиш — 2020» ҳисоботида кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш, жумладан, ер ажратиш, қурилиш ва мол-мулкни рўйхатга олиш борасида қулайликлар яратиш, тадбиркорларга ерни онлайн аукцион орқали бериш, мулкни рўйхатдан ўтказиш бўйича идоралараро электрон ахборот алмашинувини таъминлаш зарурлигини алоҳида таъкидлаб ўтдилар. Шунингдек, хорижий тажриба асосида, мулкка бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан мустақил ўтказишга масъул алоҳида тузилма ташкил этиш таклифи давр ва замон талаби десак, муболаға эмас.

Тадбиркорликни ривожлантириш, соҳа вакиллари ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга зарурий шарт-шароитлар яратиб беришдек вазифа бизнинг зиммамизга юклатилган. Агар ҳар биримиз фаолиятимиз жараёнида “Ҳар бир тадбиркорга – кўмакдош, елкадош ва мададқормиз!” деган эзгу ғояга таяниб иш тутсак, кўзланган мақсад ва ниятларимизга эришган бўламиз. Зотан, тадбиркор тараққиёт ва ривожланиш учун бўлаётган ҳаракат ва интилишларнинг етакчи кучидир. Шунинг учун, бундан буён тараққиёт ва фаровонликка фақатгина тадбиркорликни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш орқали эришиш мумкинлигини ҳар биримиз тўғри англамоғимиз зарур. Бу борада барча шаҳар ва туман ҳокимларининг Тадбиркорларга Мурожаатнома билан чиқиши ҳақидаги таклифлари бизга жуда маъқул бўлди.

Маълумки, тадбиркорлар мамлакат иқтисодиётини белгилайдиган, эртанги кунимиз фаровон бўлишини таъминлайдиган инсонлардир. Улар қанча бой бўлса, юртимиз, халқимиз ҳам шунча бой, турмушимиз фаровон бўлади.

Айтиш лозимки, Республикамизда тадбиркорликка жалб этиш механизмнинг ҳуқуқий асослари яратилган бўлиб, ушбу асосда соҳани ривожлантириш ҳам давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Давлатимиз раҳбари томонидан амалга татбиқ этилган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида қабул қилинган қатор қарор ва фармонлар, шунингдек, **“Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла”, “Ёшлар келажагимиз” “Ҳар бир оила - тадбиркор”** каби давлат дастурлари, 5 та муҳим ташаббус каби амалий ислохотлар бугун барчамизнинг ҳаётимизда ўз амалий ифодасини кўрсатмоқда.

“Тадбиркорларга мурожаат” таклифи ҳам айна вақтида берилган таклиф деб ўйлаймиз ва бевосита мурожатноманинг ташкил этилишида бевосита ҳудудларда фаолият юритаётган тўрттала сектор раҳбарлари ва бошқа ваколатли идоралар раҳбарлари масъул эканликларини англаган ҳолда диққатимизни қўйидаги масалаларга қаратишни асосий вазифамиз деб биламиз:

Биринчидан, қайд қилиш зарурки, тадбиркор ўз муаммолари ва камчиликларини ечиш илинжида бизга - бевосита раҳбарларга, Бош вазир қабулхоналари ҳузурида ташкил этилган тадбиркорларнинг жамоатчилик кенгашларига, сектор раҳбарлари ва бошқа ваколатли идоралар раҳбарларига мурожаат этишади. Тадбиркорлик ривожига тўсиқ бўлаётган монеликларни бартараф этиш ва камчиликларни ечиш ҳар бир раҳбарнинг асосий вазифаси бўлиши лозим.

Хўш, тадбиркорларимизни бугун қандай муаммо ва камчиликлар ўз гирдобига олган? Тадбиркорларни қийнаётган тизимли муаммолар ва уларни келтириб чиқарган асосий сабаблар нимадан иборат? Бош вазир қабулхоналарига келиб тушаётган барча мурожаатларнинг таҳлили нимани кўрсатмоқда? Биз бугун ана шундай саволларга жавоб топишимиз керак.

Бош Вазир қабулхонасига тушган мурожаатлар ва унинг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, соҳада ечилиши лозим бўлган муаммо ва камчиликлар оз эмас, бор. Йил бошидан Бош вазирнинг Бувайда туманидаги қабулхонасига 2019 йил 22 июлдан 20 ноябргача жами 63 та (шундан 13 та кредит масаласида, ер ажратиш масаласи ҳамда бино ва иншоотлар бўйича 15 та, бошқалар 35 та) мурожаат келиб тушган бўлиб, шундан 19 таси ижобий ҳал қилинди. Қолган 38 та мурожаатнинг тушунтириш ишлари берилди ҳамда қолган 6 та мурожаатларнинг барчаси ижобий ҳал қилиш чоралари кўрилиши жараёнида.

Тадбиркорларни қийнаётган иккита муҳим масала бор: ер ажратиш ва кредит бериш. Бундан буён ҳақиқий тадбиркор бўлиш истагида юрганларга ер ажратиш очиқ-ошкора равишда, барча учун тенг шароитлар яратган ҳолда, электрон аукцион орқали амалга оширилади.

Кредит бериш тизими ҳам соддалаштирилиб (вилоят, республика банклари ваколатларини тумандаги банкларга бериш орқали), ортиқча қоғозбозлик ва сарсонгарчиликларга барҳам берилади.

Иккинчидан, бугунги кунда енгил саноат, саноат моллари ишлаб чиқариш соҳасида ва қурилиш йўналишида ҳам туманимизда бир қатор корхоналар самарали фаолият юритиб келмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2019 йил 6-7 май кунлари Фарғона вилоятига ташрифи чоғида белгилаб берган топшириқлари ижроси тўғрисидаги 11700-хх сонли йиғилиш баёнига асосан Бувайда туманида 2018-2020 йилларда амалга оширилиши белгиланган саноат, қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантиришга оид инвестиция лойиҳалари бўйича туманда **жами 23 та** лойиҳаларни манзилли рўйхати шакллантирилган бўлиб, ушбу лойиҳаларни амалга ошириш учун жами **285 млрд 087 млн сўм**, шундан ўз маблағи ҳисобидан **116 млрд 876 млн сўм**, имтиёзли банк кредитлари ҳисобидан **5 млрд 5 млн сўм**, хорижий кредит линия маблағлари ҳисобидан **2 млн 36 минг АКШ доллари** ҳамда хорижий инвестиция киритиш ҳисобига **17 млн 717 минг АКШ доллари** маблағлар сарфланиши режалаштирилган. Ушбу 23 та инвестиция дастури доирасидаги лойиҳаларнинг **1 таси** 2018 йилда, **15 таси** 2019 йилда, **7 таси** эса 2020 йилда амалга оширилиши белгиланган.

Ҳозирги кунга қадар 23 та лойиҳа бўйича жами **250 млрд 348 млн сўм** маблағ ўзлаштирилган бўлиб, шундан ўз маблағи ҳисобидан **87 млрд 281 млн сўм (%)**, имтиёзли банк кредитлари ҳисобидан **4 млрд 595 млн сўм (%)**, хорижий кредит линия маблағлари ҳисобидан **1 млн 836 минг АКШ доллари** ҳамда хорижий инвестиция киритиш ҳисобига **17 млн 349 минг АКШ доллар (%)** маблағлар ўзлаштирилган.

2018-2019 йилларда жами **17 та** лойиҳа ўз фаолиятини бошлаб, ушбу лойиҳалар учун жами **247 млрд. 723 млн** сўм, шундан **84 млрд. 581 млн** сўм ўз маблағлари ҳисобидан ҳамда **4 млрд. 595 млн.** сўм банк кредитлари, хорижий кредит линия маблағлари ҳисобидан **1 млн 836 минг АКШ доллари** ва **17 млн 349 минг** АҚШ доллар тўғридан тўғри хорижий инвестиция ҳисобидан амалга оширилиб, **628 та** янги янги иш ўринлари яратилди.

2018 йилда жами **1 та** лойиҳа ўз фаолиятини бошлаб, ушбу лойиҳалар учун жами **102 млрд. 197 млн** сўм, шундан **39 млрд. 65 млн** сўм ўз маблағлари ҳисобидан ҳамда **7 млн 699 минг** АҚШ доллар тўғридан тўғри хорижий инвестиция ҳисобидан амалга оширилиб, **150 та** янги янги иш ўринлари яратилди.

2019 йилда **16 та** лойиҳа ўз фаолиятини бошлаб, ушбу лойиҳа учун жами **145 млрд. 526 млн** сўм, шундан **45 млрд. 516 млн** сўм ўз маблағлари ҳисобидан ҳамда **4 млрд 595 млн.** сўм банк кредити ҳисобидан, **1 млн 836 минг АКШ доллари** ва **9 млн 650 минг** АҚШ доллар тўғридан тўғри хорижий инвестиция ҳисобидан амалга оширилиб, **478 та** янги янги иш ўринлари яратилди.

Кўриниб турибдики, тадбиркорликни ривожлантириш замирида янги иш ўринларни яратиш, фуқароларимизнинг доимий иш ўринларига эга бўлишларидек омиллар ётади. Зеро иш билан банд бўлган инсон энг аввало, ҳаётини фаровон қилишга, яхши яшашга интилади. Янги ишчи ўринларни яратиш бугунги кунда давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишига айланган. Президентимиз таъбири билан айтадиган бўлсак, битта ишчи ўрин яратган тадбиркорни биз бошимизда кўтариб юришимиз керак. Чунки иш ўрин яратиш қўшимча даромад манбаининг асосидир.

Учинчидан – тадбиркорликка кўмак берувчи масъул идоралар ва уларнинг вазифалари, бунда ҳудуддаги барча раҳбарлар тадбиркорга хизмат қилиши кераклиги Президентимиз нутқларида алоҳида тилга олинди. Бунда, ҳар бир идоранинг кун тартибига устувор масала – тадбиркорлар билан бевосита мулоқот қилиш, уларнинг дардини эшитиш ва муаммоларини ҳал қилиш бўлмоғи лозим.

“Бундан буён тадбиркорлар жамиятда энг асосий етакчи кучга айланиб, барча маҳаллий давлат идоралар фаолиятига баҳо бериш ҳамда уларнинг фаолияти, энг аввало, тадбиркорларнинг манфаатларига хизмат қилиши устидан таъсирчан жамоатчилик назоратини ўрнатадилар”. Тадбиркор жамиятда етакчи кучга айланмоғи лозим, чунки қўли доимо иш билан банд бўлган ишбилармон одам фақат ва фақат ривожланиш, юксалиш ҳақида ўйлайди, унинг онгу шуурида меҳнат ва яна бир марта меҳнат қилишдек асосий масъулият жой олади, сидқидилдан қилинган меҳнат эса, барака келтириши синалган ҳаётини ҳақиқат саналади.

Тўртинчидан – ҳар бир ҳудуд хусусияти, салоҳияти ва ихтисослашувидан келиб чиқиб, аҳолини тадбиркорликка кенг жалб этиш, уларнинг бизнес ғояларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш тизими такомиллашиб борилиши лозим. Бувайда алоҳида жуғрофик хусусиятга эга туман ҳисобланади. Ота-боболаримиз азал-азалдан ушбу ҳудудда ўзимизга хос ва мос бўлган соҳалар ривожига самарали иш олиб боришган. Барчамизга маълумки, Бувайдада бир вақтлар сифатли қоғоз ишлаб чиқариш йўлга қўйилган ва бу қоғоз бутун Осиё орқали кўшни мамлакатларга етказиб берилган. Бу биргина мисол холос. Бундай мисолларни кўп келтириш мумкин ва ота-боблардан қолган анъаналарга таянган ҳолда Бувайда табиати ва менталитетига мос бўлган соҳаларни тараққий эттиришга бел боғлашимиз лозим.

Юртбошимиз таъбири билан айтадиган бўлсак: **“Ҳар бир лойиҳа шахсий назоратимиз остида бўлади.** Лойиҳани ишлаб чиқишдан, то уни амалга оширишгача бўлган барча жараёнда бевосита кўмак бериш биринчи галдаги вазифамиздир.

Бир нарсани англашимиз керак: Сизнинг лойиҳангиз – туманимизнинг эртанги келажаги ва аҳолимиз фаровонлигининг кафолатидир. Сиз туфайли туманда ишсизлик қисқаради, даромадлар ошади, оилаларимиз, аёлларимиз ва фарзандларимиз турмушидан миннатдор бўлиб, ўз юртида ҳаловат топади”.

Биз доимо келажакни ўйлаб ва нурафшон эртанимизни кўзлаб олға интилишимиз даркор. Чунки бугунги кунда яхши ниятлар билан қўйилган сармоя эртанги куннинг муносиб дастмоясидир. Дастмоя деганда Бувайда халқи тили билан айтганда қўлга киритилган даромад ва фойда демакдир. 2020 йилда ҳар бир ҳудудни жадал ривожлантириш ва аҳоли турмуш даражасини ошириш бўйича устувор вазифалар ҳамда бу жараёнда хусусий тадбиркорликнинг тутган ўрни ва

аҳамияти биз учун устувор вазифа саналади.

Бунда, туманда муваффақиятли фаолият кўрсатаётган тадбиркорлар, шу жумладан фаол экспортёр корхоналар, уларнинг лойиҳалари ва эришган ютуқлари тўғрисида билишимиз фойдадан холи эмас.

- 2019 йилда тумандаги ҳудудий экспортёр корхоналар томонидан жами **4 097 минг.долларлик**, шундан **155,4 млн.долларлик саноат маҳсулотлари мева-сабзавот маҳсулотлари** (1 677 минг тонна) экспортини амалга ошириш белгиланган бўлиб, шундан **мева-сабзавот маҳсулотлари 5 218,5 минг.долларлик (121,2%)** ташкил этмоқда.

-
-

- Бундан ташқари жорий йил **4 чораги** учун жами **1 144,1 минг АҚШ** доллари миқдорида режа белгиланган бўлиб, амалда жорий йил **4 ноябр** кунига жами **629,1 минг АҚШ** долларга ёки **55,0 фоизга**, шунингдек **ноябр ойи** учун белгиланган **656,3 минг АҚШ** долларида, амалда **20 ноябр** кунига **567,3 минг АҚШ** долларга ёки 86,4 фоизга бажарилмоқда.

-

- **биринчидан**, жорий йилнинг 4-чораги белгиланган экспорт прогноз кўрсаткичларни тўлиқ бажариш учун аниқ чора тадбирлар ва ноябр ойида кунма-кун экспортга чиқариш графиклари ишлаб чиқилди ва назоратга олинади;

- **иккинчидан**: октябр-декабр ойларига белгиланган экспортни таъминлаш учун **41,7 минг тонна** миқдоридаги жами **327 минг АҚШ** доллар миқдорида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспортини амалга ошириш, бунда асосий манбааларимиз:

- **учинчидан**: Бувайда тумани Қўнғирот ҳудудида жойлашган **“Бахтиёр Донёр Фарход” ф/х** ҳамда **“Ёкубжон Тохиржон” ф/х** ни бугунги кунда жами **3 431,2 минг долларлик** шартномалар имзолаган бўлиб, шундан **Хитой Республикаси** билан **Корея** ҳамда **Россия Республикаси** билан экспорт амалга оширишга эришилди. Ушбу экспорт жорий йилнинг **20 декабргача** амалга оширилади.

- **тўртчидан**: тумандаги **Оққўрғон МФЙ** ҳудудида жойлашган, экспортёр корхонаси сифатида жорий йилда янги қўйилган **“Оққўрғон томорка”** қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етказиб бериш ҳисобига Россия Федерацияси **“Агро Мир КОМ”** компанияси билан **15.0 млн АҚШ доллари** миқдорида шартнома тузган бўлиб, амалда шу кунга қадар **278.0 минг доллар** экспорт амалга оширилган ҳамда бугунги кунда Агробанк Бувайда филиалига **0.3 фоиз** банк хизматига ўрнига **0.05 фоиз бўйича** хизмат кўрсатиш таклифи берилди;

- **бешинчидан**: Оқ билал МФЙ ҳудудида фаолият кўрсатаётган "SARVINOZ MASUMA NIHOLI" **фермер хўжалиги** қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етказиб бериш ҳисобига **Россия Федерацияси, ва Қирғизистон Давлатлари** билан жами **347,1 минг долларлик** шартномалар имзоланган бўлиб, жами **645,8 минг долларлик** хўжалик маҳсулотларини экспорти амалга оширилди, қўшимча яна **95.0 минг АҚШ** доллари миқдорида экспортни амалга оширишни ;

- **олтинчидан**: Янгиқўрғон МФЙ ҳудудида фаолият кўрсатаётган якка тартибдаги тадбиркор **“LANDSTAR GROUP EXPORT”** МЧЖ томонидан **Россия Федерацияси ва Туркия Республикаси** билан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари учун жами **2.5 млн АҚШ долларлик** шартномалар тузилган бўлиб, шундан **Россия Федерацияси** билан **130,3 минг долларлик экспорт амалга оширилиди. Шунингдек 500.0 минг долларлик Туркия Республикаси** билан шартномалар имзоланган;

- **еттинчидан**: Янгиқадам МФЙ ҳудудида фаолият кўрсатаётган **“ФХ “SODIQOV AGRO FIELD”** фермер хўжалиги **Россия Федерацияси** Оренбург вилоятида фаолият кўрсатаётган **“Продконтракт”** корхонаси билан **217,7 минг АҚШ долларлик** қишлоқ хўжалик маҳсулотларини экспортга чиқариш бўйича шартнома имзоланиб, шу кунга қадар **185,7 минг АҚШ**

долларида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини экспорт қилди.

- Бундан ташқари “ООО "PARDUS GLOBAL TEXTILE"” МЧЖ, “PLASTER STONE” МЧЖ, “SIDO 2020” ХОРИЖИЙ ҚЎШМА КОРХОНАСИ, “SINTEX”, ХОРИЖИЙ ҚЎШМА КОРХОНАСИ“ Мовий омад файз”, х/к “ЧП "Nurafshon Ziyо Tex”, “ООО "LOS GIGANTES TEXTILES”, “Ханифа барака текстил”, “LION PRINT” хусусий корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ва кўрсатилаётган хизматлар юртимиз фуқаролари учун манзур бўлмоқда.

- Келтирилган мисоллар ва далиллар Бувайдалик тадбиркорларнинг Ватан иқтисодиётига қўшган ҳиссалари нишонасидир. Янги 2020 йилга ушбу кўрсаткичларни янада оширилишига интиламиз албатта ва бунга албатта, эришамиз, чунки туманимизда бунинг учун имконият ва шароит етарли деб ўйлаймиз.

Бешинчидан - тадбиркорликнинг ривожланишига ҳалақит қилаётган барча тўсиқ-ғовларни бартараф этиш ва соҳани қўллаб-қувватлашнинг кафолатларини мужассам этган ишончли тизимни йўлга қўйишда қўйидаги ғоя ва фикрларни тадбиркорлар ва жамоатчиликка етказишни мақсад қилдик:

тадбиркорликка ортиқча аралашувларнинг олдини олиш, эндиликда давлат органлари билан муносабатларни текшириш эмас, балки тадбиркорликка фақат ва фақат ёрдамлашиш нуқтаи назаридан қурилади;

ҳар бир тадбиркорнинг мулки дахлсиз, ҳеч бир тадбиркордан турли сабабларни важ қилиб, унинг мулки тортиб олинмаслиги ёки бузилмаслиги кафолатланади. Бунда, тадбиркорларнинг мол-мулкига барча раҳбарлар томонидан “ўз шахсий томорқам” деган қарашга барҳам бериш, тадбиркорлар мол-мулки далхсизлигига тўлиқ ва виждонан риоя қилиш;

тадбиркорлар иштирокидаги турли мажлисбозликларга чек қўйилиши, маҳаллий ҳокимлик идоралари вазибаларини тадбиркорларга юклаш ва уларни ҳомийликка мажбурлаш амалиётига бутунлай чек қўйиш. Бу эса, тадбиркорликка ва соҳа вакилларига кенг йўл очилиб, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш деганидир.

Олтинчидан - туман ҳокимлиги томонидан қабул қилинган мурожаат нафақат анъанавий оммавий ахборот воситалари орқали, балки турли **нодавлат телевидение ва радиоканалларда, ижтимоий тармоқлар ва блогерлар веб-саҳифаларида, босма нашрларда** эълон қилиниши керак.

Мурожаат йўлланаётганда **турли расмиятчиликлардан қочиш, очиқ-дўстона муҳит яратиш**, замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда, турли сюжетлар ва кўргазмали инфографикалар орқали мурожаат мазмунини янада бойитишни тавсия этамиз.

Мурожаат мазмуни шунингдек, реклама баннерларида доимий равишда ёритиб борилиши зарур. Унда ҳоким, сектор раҳбарлари ва бошқа маҳаллий давлат идораларининг манзиллари, телефон рақамлари кўрсатилиши лозим. Раҳбар ва тадбиркор ўртасида доимий дўстона муҳит яратилиши лозим, зеро давлатимиз раҳбари айтганларидек - “Тадбиркор эртага ҳаммамизни боқади, тадбиркорни йўлига ғов бўлиш, оёғига кишан бўладиган қонунларни чиқариш керак эмас. Тадбиркор бой бўлса, халқ ҳам, давлат ҳам бой бўлади”.

Еттинчидан - жамоатчилик ва тадбиркорлар билан доимий равишда мулоқотда бўлиб, самарали “қайта алоқа”ни ташкил этиш, уларнинг мурожаатга муносабати ҳамда кайфиятини ўрганиб борамиз. Хусусан, оммавий ахборот воситаларида Бош вазир қабулхоналари ҳузуридаги Тадбиркорларнинг жамоатчилик кенгашлари аъзолари, тадбиркорлар ва маҳаллий давлат идоралари раҳбарлари иштирокида мурожаатнинг асосий мазмун-моҳиятини очиб бериш юзасидан туркум муҳокамалар ва интервьюлар уюштириб боришни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз ва ижросини таъминлашга асосий эътиборни қаратамиз.

Энди биз тадбиркорликни ривожлантириш, соҳа вакилларига зарурий шарт-шароит яратиб бериш, уларнинг ҳар бир мурожаатини тинглаш, муаммоларини ечиш, камчиликларини бартараф этилишида ҳозир нозир бўлмоғимиз зарур. Бу йўналишда ҳар қанақанги расмиятчиликдан, ҳар қанақанги қоғозбозликдан воз кечишимиз лозим. Баландпарвоз гаплардан ўзимизни тийишимиз керак. Бу борадаги асосий манба муҳтарам Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг

белгилаб берган йўналиш ва таклифлари ҳар биримиз учун дастуруламал бўлиши лозимлигини англамоғимиз шарт.

Муҳтарам тадбиркорлар!

Ватанимиз равнақи, унинг нурли келажаги, иқтисодиётимиз ривожини ва юксалиши бевосита Сизга боғлиқ. Зеро Сизлар – ишбилармон доира вакиллари сиз. Ишбилармон деганда, энг аввало, кўз олдимизга қўлидан иш келадиган, Ватан ва халқ фаровонлигини йўлида сидқидилдан меҳнат қиладиган, пировардида, меҳнатни севадиган, яъни меҳнаткаш инсон ва ишдан қочмайди одам гавдаланади.

Тадбиркорлик ва ишбилармонлик бизнинг қон-қонимизга сингиб кетган қадрият десак, муболаға қилмаган бўламиз. Минг-минглаб йилларини ўз ичига олган азалий мерос – тадбиркорлик муҳити бугун мамлакатимизда замонавий руҳ ва берилаётган эътибор орқали ривожланмоғи лозим. Ўзбекистонимизда тадбиркорлик соҳасидаги миллий брендни яратмоғимиз кераклиги давр ва замон тақозоси. Биз ўзи фаолиятимиз ила импорт деган нарсани тобора унутмоқликка ҳаркат қилишимиз керак. “Экспорт ва яна экспорт”. Ана шу нарса тадбиркорлик фаолиятимиз асосини ташкил қилиши шарт ва зарур. Экспорт дегани, даромад дегани, экспорт дегани, фаровонлик дегани, экспорт дегани, Ўзбекистонни оламга, дунёга юз тутиши деганидир. Ўйлаймизки, бизда бунинг учун асос, пойдевор, шароит ва имкониятимиз етарли. Бунинг учун меҳнат, саъй, ҳаракат қилиш зарурлигини асло унутмаслигимиз керак.

Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёев айтганларидек, халқимиз кайфияти, уларни рози қилиш – энг муҳим вазифамиз. Шундай олижаноб мақсад сари ҳар биримиз янада дадил одим қадам ташлайлик, улуғ ва буюк ишларга ўзимизнинг муносиб ҳиссамизни қўшайлик.

“Тадбиркор бой бўлса, юрт гуллаб-яшнади, ободонлашади, кишиларда эртанги кунга ишонч ортади”. Давлатимиз раҳбарининг мана шу пурмаъно сўзларини юрагимизга муҳрлаган ҳолда, доимо Сизларнинг орзу-умид, мақсад ва режаларингиз, ҳар томонлама манфаатли бизнес лойиҳаларингизни қўллаб-қувватлашга тайёрмиз.

Бувайдалиқлар, азал-азалдан тадбиркор, ҳунарманд халқимиз анъаналарини улуғлаб келаётган халқ ҳисобланади. Юқорида Муҳтарам Президентимиз томонидан соҳани янада ривожлантириш масаласида берилган топшириқларни эса юксак масъулият билан бажаришни муқаддас бурч деб биладилар.

Вилоят ҳокими Шуҳрат Мадаминович Ғаниевнинг вилоят тадбиркорларига мурожаатномасида ҳам туманимиздаги меҳнат ишлаб чиқарувчи тадбиркорларимиз алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Тадбиркорликка ортиқча аралашувларнинг олдини олиш, Давлат органлари билан муносабатлар текшириш эмас, балки тадбиркорликка фақат ва фақат ёрдамлашиш нуқтаи назаридан қурилади

Ҳар бир тадбиркорларнинг мулки дахлсиз, ҳеч бир тадбиркордан турли сабабларни ваҳ қилиб, унинг мулки тортиб олинмаслиги, ёки бузилмаслиги қафолатланади.

Тадбиркорни ўз ишидан қолдириб, мажлисбозлик қилишга бутунлай чек қўйилади.

Шу боисдан, бундан буён тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда ҳеч қандай тўсиқлар бўлмаслиги, барча турдаги тадбиркорлик масалалари бўйича юзага келаётган муаммо ва таклифлар юзасидан тумандаги ташкилот ва корхона раҳбарлари яқиндан кўмакчи бўлиши, доимий равишда тадбиркорлар масалалари билан шуғулланиши бўйича шахсан қафолат бераман.

Эътиборингиз учун раҳмат!

2019-11-23 09:46:42